

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА
ХАВФЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН
АҲБОРОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШДА ҚЎЛЛАНИЛГАН
ХУҚУҚИЙ АСОСЛАР ТАҲЛИЛИ**

У. Пирмуҳамедова

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Божхона қўмитаси Таргетинг ва хавфларни мониторинг қилиш
бошқармаси бош инспектори, божхона хизмати подполковниги

Аннотация

Ушбу тезисда Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хавфларни
бошқариш тизимини жорий этиш ва тартибга солишнинг хуқуқий асослари
таҳлил қилинди ва таклифлар тақдим этилди.

Калит сўзлар: хуқуқий асослар, божхона қонунчилиги, хавфни бошқариш
тизими, жорий этиш, стандарт, "сариқ йўлак", "қизил йўлак", "яшил йўлак",
"кўк йўлак".

Аннотация

В данном тезисе были проанализированы правовые основы внедрения и
регулирования системы управления рисками в таможенных органах
Республики Узбекистан и представлены предложения.

Ключевые слова: правовые основы, таможенное законодательство,
система управления рисками, внедрение, стандарт, «желтый коридор»,
«красный коридор», «зеленый коридор», «синий коридор».

Annotation

In this thesis, the legal framework for the implementation and regulation of the risk management system in the customs authorities of the Republic of Uzbekistan was analyzed and proposals were presented.

Keywords: legal framework, customs legislation, risk management system, introduction, standard, "yellow corridor", "red corridor", "green corridor", "blue corridor".

Кириш

Хавфларни бошқариш тизимини (ХБТ) Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати амалиётида ҳам татбиқ этиш босқичма-босқич амалга оширилганлиги, босқичларнинг ҳар бири янги меъёрий ҳукуқий ҳужжатлар билан жорий этилганлиги, янги ахборот ва кадрлар ресурсларидан фойдаланишга асосланган тегишли ташкилий тадбирларни амалга оширилганлиги билан ўхшаш дастурлар қаторида ўз ўрнига эга.

Божхона органларида хавфларни бошқаришни яратиш таклифи 2005 йилда илгари сурилган эди, аммо бир қатор сабабларга кўра бу таклиф амалга ошмай қолганди.

Ўша даврда божхона назорати ХБТ механизмларини ишлатмасдан амалга оширилганлиги, 100 % божхона кўриги ўтказилганлиги, бу эса божхона органлари учун ҳам, ТИФ иштирокчилари учун ҳам катта ресурс вақт ва харажатларини талаб қилганлиги сабабли, божхона назоратининг янги самарали усулларига ўтиш зарурияти туғилган эди.

Таҳлил ва мухокамалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида[1], Ўзбекистонда божхона процедураларининг мураккаблигини кўрсатиб ўтиб, бу тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омиллардан бири эканлигига алоҳида тўхталиб ўтганди. Маърузада “Жаҳон банкининг ҳисоботига кўра, экспорт-импорт ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон 190 та давлат орасида 175-ўринда тургани ачинарли” эканлигини таъкидлаганди. Бельгияда божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун 1 соат кифоя қилса, бизда бунга 1 ойлаб муддат сарфланишини мисол тариқасида келтирган эди. Бундан ташқари, Президентимиз томонидан Ўзбекистон худудида алоҳида ва қўшимча харажатлар талаб қилинадиган божхона текширувларидан фойдаланиш бўйича, мамлакатимиз ҳудудининг ўзида битта юк бир неча марта текширилиши, бундан ким манфаатдор, молиявий имкониятларимиздан фойдаланиш, товарнинг турига қараб мувофиқлик, гигиеник ёки ветеринария бўйича сертификатларсиз товарларни божхона омборидан чиқаришга йўл қўйилмаслиги, ҳар бир божхона омборининг экспресс-лабораториялар билан жиҳозланмаганлиги, бу жараёнларнинг қанчалик очиқ ва шаффоғлиги, шунингдек ушбу соҳа учун жавобгарларнинг жим туриши каби бир қатор саволлар кўтарилди.

Шунингдек, “Барча ривожланган давлатларда божхона кўриги хавф-хатардан огоҳ этиш тизими орқали амалга оширилади. Бу ҳам давлат ресурсларини, ҳам тадбиркорларнинг вақтини тежайди. Лекин бу тизим бизда ҳанузгача жорий этилмаган. Келгуси йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари учун божхона кўригига хавф-хатардан огоҳ этиш тизими, яъни тадбиркорлар қанчалик ҳалол эканига қараб, уларни “яшил” ва “қизил” йўлаклар орқали ўтказишни жорий этамиз” деб Вазирлар Маҳкамасига тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаб, киритиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш тўғрисида" ги кўрсатмаларига асосан дастлабки босқичда кенг кўламли ишларни бошлаган ҳолда, божхона расмийлаштируви вақтида Ўзбекистонга олиб кириладиган

ва олиб чиқиладиган товарларни божхона текширувидан ўтказиш фақат бир маротаба, улар бошланғич божхона режимига жойлаштирилгандан сўнг амалга оширилиши жорий қилинди.

Бу орада, 2018 йил 16 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Молия, солик ва божхона органлари фаолиятини танқидий ўрганишни ташкил этиш тўғрисида" Ф-5182-сон фармойиши билан билан божхона органларини тубдан такомиллаштиришга қаратилган танқидий ўрганиш ва таклифларни тайёрлаш учун Ишчи комиссия тузилди[2]. Ўрганиш натижалари бўйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрь кунидаги Олий Мажлисга мурожаатида келтирилган кўрсатмаларга асосан божхона органларини тубдан такомиллаштириш бўйича тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида” ги ПФ-5308 Фармонида[3] дастлаб божхона қонунчилигини тубдан такомиллаштириш, ушбу тизимни илфор ҳалқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Шу билан бирга, юқоридаги Давлат дастурининг 98-бандида, божхона назоратида ХБТни жорий қилиш ва божхона кўригини ХБТ орқали

тадбиркорлик субъектларининг ишончлилик даражасига қараб тоифаларга ажратиш ҳамда «яшил» ва «қизил» йўлаклар орқали ўтказиш тизимини жорий этишни назарда тутувчи норматив-хукукий хужжат лойиҳасини тайёрлаш белгиланди.

Топшириққа асосан, божхона органларини тубдан такомиллаштириш бўйича тайёрланган тегишли норматив-хукукий хужжатлар лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПФ-5414 Фармони[4] ва 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3665 қарорида[5] ўз ифодасини топди.

Президентимиз томонидан 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида жисмоний шахслар учун божхона ҳудудига кириб келиш ва уни тарк этиш бўйича “яшил” ва “қизил” йўлак тизимини амалиётга татбиқ этиш вазифаси юклатилган эди. Ушбу Фармон билан 2018 йил

1 сентябрдан божхона назоратини танлов асосида амалга оширилишини назарда тутадиган “Хавфни бошқариш” автоматлаштирилган ахборот тизими амалиётга киритиш вазифаси белгиланган эди.

Ушбу тизимни тўлақонли амалиётга киритиш орқали “Ялпи” божхона назоратини ўтказишдан воз кечган ҳолда шакллантирилган хавф профиллари ёки тасодифий танлов асосида товар ва транспорт воситаларининг божхона назорати қўйидаги йўлаклардан бирига йўналтирилган ҳолда амалга оширилиши йўлга қўйилди:

“Яшил йўлак” – хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назоратининг муайян шаклларини қўлламасликни назарда тутувчи соддалаштирилган тартиб;

“Сариқ йўлак” – хавф даражаси ўрта бўлган ёки тасодифий танлов натижаси бўйича ушбу йўлакка ўтказилган товар ва транспорт воситаларига тегишли бўлган божхона юқ декларацияси, хужжатлар ва маълумотларни текширишни назарда тутувчи тартиб;

“Қизил йўлак” - хавф даражаси юқори бўлган ёки тасодифий танлов натижаси бўйича ушбу йўлакка ўтказилган товар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона назоратининг муайян шаклларини қўллашни назарда

тутувчи тартиб;

“Кўк йўлак” – эркин муомалага чиқарилган товарлар устидан тасодифий танлов натижаси бўйича божхона назоратини қўллашни назарда тутувчи тартиб.

Ушбу жараёнларни амалга оширишда, асосий муаммо божхона хизматида божхона назоратини амалга ошириш вақтини тежаш тамойили асосида ХБТни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш, тизимлаштириш ва таҳлил қилиш ёрдамида мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, божхона органларида ХБТини ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш масалалари ҳамда унинг амалий-иктисодий аҳамиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарурияти юзага келди.

Жумладан, шу билан бирга божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги "Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5582-сон Фармони[6] билан, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб ХБТ бир қатор талабларни қўллаган ҳолда тўлиқ режимда жорий этилиши белгилаб берилди.

Хавфларни бошқариш тизимига оид мавжуд ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури	Қабул қилинган сана						сони
	2017й.	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.	
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари	-	4	1	3	2	2	12
Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишлари	-	1	-	-	-	-	1
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Карорлари	-	2	1	-	1	-	4
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорлари	1	1	1	1	2	2	8
ДБҚ карорлари	-	-	1	1	1	1	4
ДБҚ буйруқлари	-	6	11	14	13	7	51
ДБҚ фармойиши	-	-	-	1	-	1	2
Чора-тадбирлар режаси	-	3	16	4	15	8	45
Техник ва қўшимча техник топшириклар	-	3	13	2	7	3	28
жами:	1	20	44	26	41	23	155

Манба: Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати органларида ХБТни яратиша қўлланилган норматив-хуқуқий хужжатлар таҳлили, хозирги кунда соҳага оид 155 дан ортиқ хужжатлар мавжудлигини кўрсатди.

Санаб ўтилган норматив-хуқуқий хужжатлар, яъни Ҳукуматнинг кўрсатмалари, Давлат божхона қўмитасининг ички идоравий қоидалари, ходимларнинг лавозим тавсифлари, назорат чоралари, дастурлари, техник ва хавфларни бошқариш сиёсатини тартибга солувчи қўшимча техник топшириқлар асосида ХБТ ишлаб чиқилган бўлиб, улар соҳани шаклланиши ва такомиллашишини асосини ташкил этади.

Айни вақтда:

божхона органларида автоматлаштирилган ХБТ учун ишлаб чиқилган техник топшириқ лойиҳаси бўйича, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан ижобий экспер特 хулосаси олинган;

Давлат божхона қўмитаси ҳайъатининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг хавфларни бошқариш концепцияси ишлаб чиқилган ва тегишли буйруқ билан тасдиқланган ҳамда барча фаолият хуқуқий асосларга таянган ҳолда тартибга солинган.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, божхона органларида хавфларни бошқаришнинг асосий хуқуқий асослари яратилган. Албатта, автоматлаштирилган тизимлар ва рақамлаштириш ривожлангани сари, тизимни мукаммаллашуви талаб этилади.

Божхона тизимида хавфларни бошқариш соҳасидаги хорижий норматив-хуқуқий хужжатлар таҳлили асосида тизим фаолиятини шаффофлаштиришга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан хулоса қилиб қўйидаги таклифларни киритамиз:

Божхона тизимида хавфларни бошқаришнинг назарий жиҳатлари, хавф тушунчаси ва уни қўллаш тамойилларини қайта кўриб чиқиши, илгор халқаро тажрибаларни ўрганиш асосида янги тушунчалар, қўллаш усуллари билан амалдаги норматив-хуқуқий хужжатларни такомиллаштириш.

Божхона соҳасидаги давлат функцияларини амалга оширишни маъмурий жараёнларини таъминлаш ҳамда давлат хизматларини тизимли тартибга солиш. Лекин, бу барча жараёнларни ёппасига тартибга солишга қаратилмасдан, коррупциянинг потенциал манбаларида бўшлиқларнинг ва ихтиёрий ваколатларнинг мавжуд эмаслигига йўналтириш.

ХБТга ТИФ иштирокчиларининг ижобий муносабатини йўлга қўйиш, яшил йўлакка тушишга қизиқиши уйғотиши мақсадида шаффофлик тамойили асосида, мезонларни очиқ қисмидан фойдаланган ҳолда тизимни ишлаш механизмини умумлаштирган тартибда ёритиб бериш.

Оммавий ахборот воситаларида “ХБТ тадбиркор ҳимоячиси” шиори остида тарғибот ишларини йўлга қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 22 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси//Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти-www.president.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Молия, солиқ ва божхона органлари фаолиятини танқидий ўрганишни ташкил этиш тўғрисида” Ф-5182-сонли фармойиши <https://lex.uz/docs/3506175>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308 Фармони (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси 23.01.2018 й., 06/18/5308/0610-сон) <https://lex.uz/uz/docs/3516847>.
4. Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414 Фармони (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 06/18/5414/1070-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон; 20.03.2020 й., 06/20/5971/0348-сон <https://lex.uz/docs/3680568>).
5. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3665 сон Қарори (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 07/18/3665/1071-сон, 26.11.2018 й., 06/18/5582/2220-сон; 06.06.2020 й., 06/20/6005/0728-сон <https://lex.uz/docs/3680599>).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5582-сонли Фармони (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.11.2018 й., 06/18/5582/2220-сон; 20.03.2020 й., 06/20/5971/0348-сон <https://lex.uz/docs/4076899>).